


Набий алайҳиссалом суннатлари дунё олимларини лол қолдирмоқда



11:10 / 29.02.2020 8938

Икки ўғлим тортишиб жанжаллашиб қолди. Ҳеч ажрата олмадим. Нимани талашаётганини сўрасам, давлатларнинг байроқлари туширилган расмлар ҳақида экан. Жаҳлим чиққанидан расмларни иккига бўлиб, иккаласининг қўлига бўлинган қоғоз парчаларини тутқаздим. Танбеҳ бериб, ошхонага кирдим. Ўзи икки ўғилсизлар, нега бунақа тортишаверасизлар, бировинг каттаман бировинг кичикман демайсизлар деб жаврай бошладим. Шунча гапимга қарамай бепарво болалар, яна баҳслашишни бошлади. Ҳозир даданга телефон қиламан деб, бақирган эдим, катта ўғлим кўзида шашқатор ёш билан қўлида ёғимланган қоғозни улоқтириб, «мен Худо ёмон кўрган давлатларга сайёҳатга бормаيمان» деди. Худо ёмон кўрадиган жойлар сўзи диққатимни тортиб бояги жаҳл ўрнини ўзгача қизиқиш эгаллаб букланган қоғозга разм солдим.

Секингина ўғлимга яқинлашиб, тойчоғим бу давлатлар дунёнинг энг кучли мамлакатлари, кўпчилик инсонлар у ерларга сайёҳат қилишни хоҳлайди. Масалан мен ҳам мана шу давлатларга боришни орзу қиламан, қара у ерларда денгизлар, ўрмонлар бор дедим. Шундан сўнг ўғлим эса менга бир сўз айтди. «Ойи сиз денгизни кўрмоқчи бўлсангиз мен сизни ўзим мусулмон давлатларга сайёҳатга олиб бораман, мусулмон одамлар бор давлатларни Аллоҳ яхши кўради. Шунинг учун у ернинг денгизларида тошқин бўлмайди ёки кам бўлади» деди. Тўғриси дунё бир зумга тўхтаб қолди. Ич-ичимдан ўзимнинг саволимга ўзим жавоб бериб бўлган бўлсамда

нега бундай деяпсан деб ўғлимга савол бердим. Ўғлим эса телевидение, радио янгиликларида доим сунами, сув тошқини, ёнғин, ер қимирлаши бўлди деб шу мамлакатларни кўрсатишади. Чунки у ерларда яшовчи одамлар мен, дадам билан борадиган Аллоҳнинг уйига кам боришади ёки умуман бормади деди. Эндигина мактабга чиқаётган ўғлим янгиликларда бирор-бир мамлакат ҳақида сўз кетса мендан ёки дадасидан «Бу ерни дини нима», «Булар ҳам Аллоҳга сиғинадими?» деб кўп савол берар эди. Чиндан ҳам хаёл қилдим. Муслмон мамлакатларда жуда ёмон табиий офат бўлганини инсонларни бевақт ўлимга етаклаганини эслай олмадим. Динимиз бу каби мўъжизаларга муҳтож бўлмасада бу аниқ мўъжиза эди.

Куни кеча севимли телеканалда голуввид кино ижодкорлари томонидан суратга олинган «Вирус» номли ҳужжатли фильм намойиши бўлди. Интернет манбаларига кўра ушбу фильмда бош рольни ўйнаган. Голуввиднинг машҳур актирисаси Кейт Элизабет Уинслет чўчқа гўштини умуман оғзига олмасликка қасам ичган экан. Кинонинг асосий мавзуси Хитойга сайёҳатга келган аёл ўзи билан бирга чўчқа ва кўршапалаклар ташувчи вирусни ўз давлатига олиб кетиши ҳақида баён қилинади. Қарийб, уч ойдан бери юзлаб инсонларни ўлим билан сийлаган бу офат, ҳақиқатдан ҳам SARS номи билан Хитойда денгиз ҳайвонлари билан савдо қилувчи бозорда топилган. Фильм реал воқеаларга асосланган. Аммо бундай ўлимлар ҳақида биз умматларни икки олам Сарвари Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам 14 аср аввал огоҳлантирганлар. Уларнинг суннатлари бутун жаҳон олимларини лол қолдирмоқда. Ҳеч бир тажриба клиникаси бўлмаган араб саҳроларида яшаган инсоннинг таъкидлаган ҳақиқатларини мўъжизаларини бугун минглаб инсонлар энг кучли техник-асбоблар ёрдамида кашф қилишмоқда. Субҳаналлоҳ.

Миттигина юракчаси билан мени Аллоҳ яхши кўрган юртларга сайёҳатга олиб бормоқчи бўлган ўғлимнинг пешонасидан силадим, қалбдан тўхтовсиз Алҳамдулиллаҳ зикри такрорланаверди. Аллоҳ ҳеч кимни ўзининг ризолиги йўлидан айро қилмасин. Нопок ҳайвонларни бизларга харом қилиб уларнинг гўшлари касаллик деб умматларига чексиз яхшиликлар қолдирган пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга дурудун саловатларимиз бўлсин!

Юлдуз Қурбонова